



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ ҲАМДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ, Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б.

Примқулова Зарина Фурқат қизи
Жizzah политехника институти талабаси

Аннотация:

Мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, унинг иқтисодий моҳияти ҳамда ривожлантириш масалалари ёритиб ўтилган. Шунингдек, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради. Шу билан бирга, мамлакат ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам катта роль ўйнайди. Саноат иқтисодиёти телекоммуникация қоидаларини белгилашда ҳам эътибори каттадир.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборот технологияси, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёни, телекоммуникация тармоқлари.

ISSUES OF THE CONTENT AND ESSENCE OF THE DIGITAL ECONOMY AND ITS DEVELOPMENT

Abstract:

The article covers the concept of digital economy, its economic significance and development issues. In addition, digital technologies not only improve the quality of products and services, but also reduce unnecessary costs. At the same time, the country plays a major role in eradicating the scourge of corruption, the most serious obstacle to development. Then the industrial economy is also very important in determining the rules of telecommunications.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Keywords: digital economy, information technology, informatization and digitization process, telecommunication networks.

Бугунги кун замонавий иқтисодиёти рақамли технологиялар ва фаолиятни рақамлаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Бу муаммо жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва қонунчилик палатасига қилган мурожаатномасида “2020 йил Илм-маърифат ва ракамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Шундан кейин фуқаролар, талабаларда “Рақамли иқтисодиёт” атамаси хақида кўплаб саволлар туғила бошлади. Куйида уларнинг энг муҳимларига аниқлик киритамиз.

Рақамли иқтисодиёт - бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимири. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иктисодиёт деган терминлар билан хам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Нетропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар деярли барча қўлламоқда.

2016 йилда Бутунжакон банки дунёдаги ракамли иқтисодиётнинг аҳволи хақида ilk марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қиласи. Масалан, харидорга пойбзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Бирор веб-сайт ёки телеграммдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш-рақамли иқтисодиёт дейилади.

Бу масалани энг содда майший мисол орқали тушуниришидир. Аслида хаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулийликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

хизматларга тўловни амалга оширамиз, электрон тарзда солик деклорацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас.

Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Бундан ташқари рақамли иқтисодиётнинг бир қатор қулайликлари мавжуд:

- ✓ тўловлар учун харажатлар камаяди. (масалан банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).
- ✓ товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
- ✓ рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиши имкониятлари катта.
- ✓ Feedback (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
- ✓ тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Яққол мисол. Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Alibaba” электрон савдо тизимиға эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин.

Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Alibaba” бу оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар хамма нарсани муҳрлайди, хотирада саклайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади.

Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш у ёки бу фаолият ҳакида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер хаммасини намоён килиб қўяди.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз.

Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб, ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди.

Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар, ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага ва йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги, ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутунжакон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт маълум даражада ривожланган. Тарькидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун телеграмм ботларидан фаол фойдаланилмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўйонлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняптилар. Факат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб килмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртacha харид хажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар.

Эндиги масала ўртacha ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн) ҳисоблаш усуслари (майнинг) каби терминаллари мавжуд. Улар хақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари маъсул бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги рақамли



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади.

Бундан ташқари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бу хақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва қонунчилик Палатасига қилган мурожаатномасида (24.01.2020 йил) ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, яқинда 2020 йил 05 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6079-сон Фармони имзоланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон ижросини таъминлаш орқали келгусида мамлакатимизда “рақамли иқтисодиёт”нинг янада ривожланишига шак-шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабийотлар рўйхати:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagи farmoni PF-4947 “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risida”. [htt://turkiston.uz](http://turkiston.uz) (murojaat sanasi: 12.03.2020)
2. Digital Economy / Oxford: Oxford University ‘ress, 2017 // Oxford Dictionary[Electronicresource].ModeofAccess:[htt's://en.oxforddictionaries.com/defin ition/digital_economy](http://en.oxforddictionaries.com/definition/digital_economy). – Date of access: 15.10.2018.
3. Gaybullayevna, R. S. ., & Musurmangulov. (2024). THE IMPORTANCE OF TIME MANAGEMENT IN ENSURING EFFICIENCY IN CONSTRUCTION. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 3(1), 28–31.
4. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(12), 38-42.
5. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1097-1100.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

6. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1093-1096.
7. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1088-1092.
8. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(20), 200-203.
9. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 77-83.
10. Gaybullayevna, R. S. (2023). WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF INCREASE IN OUR COUNTRY'S ECONOMIC WELFARE AND SOCIAL DEVELOPMENT. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 73-76.
11. Gaybullayevna, R. S. (2023). MODERN FUNDAMENTALS OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 51-54.
12. Gayullaevna, R. S. (2023). Methods for Assessing the Economic Efficiency of Investments in Construction. European Journal of Higher Education and Academic Advancement, 1(1), 95-98.